Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 67 (7. 156) ◎ 1990 йил 23 март, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

◎ «СССР Президенти, СССР Президенти Кенгаши ва СССР Федерацияси Кенгашининг қароргоҳи тўғрисида», «Литва ССР территориясида совет гражданлари ҳуқуқларини таъминлаш, ССР Иттифоқи суверенитетини муҳофаза этишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармонлари эълон қилинган.

◎ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сенегал Мустақиллик ва меҳнат партиясининг III съездига йўллаган табриги берилган.

◎ СССР Фанлар академиясининг йиллик умумий йиғилиши ўз ишини давом эттирмоқда. Ватанимиз фанининг аҳволи, уни ривожлантириш йўллари, қатор соҳаларда вужудга келган танглик ҳолатларини енгиб ўтиш ҳақида кескин, принципиал суҳбат олиб бориляпти. Бугун «Правда» газетасининг биринчи ва иккинчи саҳифаларида берилган «Фан ва ислоҳот» сарлавҳали мақолада олимларнинг, жамоатчилик вакилларининг нутқларидан парчалар эълон қилинган.

◎ «Ишга ўз вақтида келиш» — «Правда» газетасининг иқтисодий сиёсат бўлими махсус мухбири Юрий Медведевнинг мақоласи ана шундай номланган.

◎ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари берилган.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг VII пленуми бўлиб ўтди.

Шаҳар партия комитетининг «КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль, март Пленумларининг якунлари ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясига ва шаҳар партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик борасидаги вазифалари тўғрисида»ги доклади билан олдиндан танишиб чиққан пленум қатнашчилари дарҳол уни муҳокама қилишга киришдилар.

Докладни муҳокама қилишда 2-автокомбинат партия комитетининг секретари Л. В. Клестов, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари В. Д. Ардатов, 2-автопарк ҳайдовчиси Э. А. Азаматов, «Зенит» заводининг директори А. А. Юсупов, 195-мактаб ўқитувчиси А. Н. Волкова, Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари К. К. Бегадиев, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори К. А. Карнеляк, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг қуювчиси Б. Бойсаров, Чилонзор район партия комитетининг иккинчи секретари М. З. Рябчун, театр ва рассомлик санъати институтининг ўқитувчиси Н. И. Личагина қатнашдилар.

Пленум сўнггида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов қатнашди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

◎ Пленум тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинади.

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ КУНИГА—ШАНБАЛИК

«Сургутнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба союз комитети мамлакат касаба союзларига бирлашган барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, 21 апрель куни В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган касаба союз шанбалигини ўтказишга даъват этди.

Қисқа муддат ичида, дейилади мурожаатномада, жамиятимиз демократиялаш ва ошкоралик, миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, янгича снёсий тафаккурни қарор топтириш йўлида катта ишларни амалга оширди.

Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги арафасида, деб таъкидланади ҳужжатда, совет касаба союзлари донмо Владимир Ильичнинг бутун умри ва фаолиятни меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган буюк мутафаккир ва революционер деб билганини ва бундан кейин ҳам шундай фикрда қолишини рўй-рост айтиш зарур.

Шанбалик ташаббускорлари шу куни ишлаб топилган пулларни меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари, уруш ва меҳнат ветеранларининг долзарб муаммоларини ҳал этиш, қочоқларга, камбағал ва кам таъминланган оилаларга, етим болаларга, ногиронларга, хуллас, амалий кўмак ва мададга муҳтож бўлган барча кишиларга ҳайрия ёрдами бериш учун касаба союз комитетларининг счётларига ўтказишни таклиф қилишмоқда. (ТАСС).

Ирландия маданияти кунлари

Ўзбек халқининг одатига кўра, меҳмон остона ҳатлаб уйга қадам ранжида қилиши билан унинг кўлига сув қуядилар, оппоқ сочиқ узатадилар — бу покизалик, чин дўстлик ва самимийлик рамзидир. Серқуёш Ўзбекистон пойтахтида бошланган Ирландия маданияти фестивали қатнашчиларини ана шундай кутиб олдилар.

Меҳмонларнинг келиши Наврўз шарафига ўтказилаётган тантаналарга тўғри келди, шу сабабдан ҳам улар ўзбек диёрига қадам қўйишлари биланоқ байрамона кайфиятни ҳис этдилар. Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозининг табаррук отахонлари узоқ мамлакат намояндаларини раққосалар ва аскиячилар томошасига, аскиячиларнинг мусобақасига таклиф этдилар, кўли гул ва пазанда уй бекалари эса кўклам тволарни — сумалак, ҳалим ва шарқ қандолатларидан татиб кўришни таклиф қилдилар.

— Байрамимиз байрамга уланганлиги биз учун кутилматан воқеа бўлди, — деди «Ирландия — СССР» жамиятининг президенти Нора Харкин. — Биз бу ерга келишимиздан олдин Ватанимизда «Муқаддас патрик куни»ни байрам қилган эдик. Олти ҳафта давом этган байрамимиз ажойиб карнавал билан нихоясига етди. Одатда ушбу байрамдан кейин рождествога ўхшаш кунлар бошланади — одамлар бир-бирларига совға-салом улашадилар, ширинликлардан тановул қилишадилар. Шундай қилиб, бу ерда ўзимизни худди уйимизда юргандек ҳис қилдик. Делегациямиз Ўзбекистонга ҳусусан шу вақтда келиш бахтига муяссар бўлганидан гоят хурсанд. Тошкент автомобиль йўлларни институтида фестивалнинг расмий очилиш маросими бўлди. Фестиваль қатнашчиларини чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳайъатининг раиси С. У. Султонова табриклади.

Фестиваль программасида маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафар қилиш, бир қанча маданият муассасаларни, болалар уйларига бориш кўзда тутилган. Ирландия делегацияси аъзолари орасида Майк Хьюитт телевизион группаси ҳам бор. Бу ижодкорлар Ирландия маданиятининг ўзбек диёридаги биринчи байрами тўғрисидаги фильмни суратга олмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 март куни, соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 23 март куни эрталаб соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 24 март куни эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.





СЕН ҚАЛБИМ БАҲОРИ, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

— Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайин ёмонлик...

— Наврўз келди, кўнгилларга муҳаббат келди...

— Ассалом Наврўз, ассалом Янги йил!..

Ҳа, барча халқлар, барча миллат ва элатлар ўртасида дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи улуғ айём — Наврўз байрами куни, буюк алломаларимиз Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Нархаший, Умар Ҳайём, Алишер Навоий ўз асарларида таърифу тавсифини келтирган Наврўз байрами Эрон ва Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг энг қадимий байрамидир. Республикамиз партия ва ҳукуматининг халқимиз анъаналарини тиклаш борасида амалга ошираётган энг ҳайрли ишларидан бири — бу — қувонгинга, таъқибга учраган Наврўз байрамининг қайта тикланиши, унинг серқуёш ўлкамизда, жонажон Тошкентимизда шодхуррамлик билан жуда катта байрам қилиниши дилларга олам-олам қувонч олиб келди. Наврўз қўёши ҳар бир хонадонимизга, ҳар бир кишининг қалбига яхшилик, меҳр-оқибат, эзгулик нурларини олиб кирди.

Ям-яшил либосга бурканиб, ял-ял ёниб ўлкамизга кириб келган фасли Навбаҳор кунларида кечаётган ҳар бир дақиқалар етти яшардан етмиш яшаргача бўлган кишиларнингина эмас, балки бешик ва беланчакда она алласини эшитиб ширин уйқуда ётган норасида-ю, аср билан юзлашган нуроний отахон ва онахонларимизнинг қалбида ўчмас из қолдиргани билан ҳам ҳар қандай таҳсин ва таърифга лойиқдир.

Тошкент шаҳри баҳор ва дўстлик байрамига пухта тараддуд билан келди. Баҳор айёми арафасида жарчилар миллий кийимлар кийиб, карнай ва сурнай, доира ва ноғора садолари остида ўлкамизда Наврўзи олам бошланаётганлигидан хабар берувчи сўзларни айтиб шаҳар кўчаларига чиқдилар. Тошкентнинг тарихан таркиб топган Хадра майдони-ю СССР халқлари дўстлиги саройи олдида шу ном билан аталувчи салобатли майдонда, Шоирлар хиёбони-ю ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларимиз ҳордиқ чиқарадиган Карл Маркс кўчасининг пиёдалар жойида турли миллат ва элатга мансуб бўлган минг-минглаб кишиларни шодон чеҳраларда кўрдик, уларнинг дил сўзларини эшитдик. Миллий либослардаги бир гуруҳ чавандозларнинг СССР халқлари дўстлиги майдони томон собит қадами, улар кетидан тушган туялар карвони, бу туяларда ҳинд, араб, хитой либосларини кийиб олган кишиларнинг байрамона чиройи ҳар бир кишини ўзига ром этди. Бу ерда нуроний қариялариимиз байрам бошланиши олдидан оқ йўл тилашди, доирачилар чалган оҳанглар майдоннинг теварак атрофини ёқимли садоларга буркади...

Узоқ вақтдан бери ҳаста бўлиб ётган тўқсон ёшли бир онахонимиз шу Наврўз куни эрта билан ўғлидан илтижо қилди:

— Ўғлим, мени бир амаллаб Наврўзи айём нишонланаётган жойга олиб бор. Шояд қўл ва оёқларимга қувват кириб, яна атак-чечак қилиб юриб кетсам...

Ўғил волидаи меҳрибонининг бу илтимосини бажонидил бажарди. Меҳрибон фарзандининг она юзидаги табассумни ва Карл Маркс кўчасидаги пиёдалар жойига келиб оҳиста юра бошлаганини кўргандаги қувончининг ўзи бир олам эди.

Ҳа, Наврўзи олам ана шундай хосиятли, шарофатли айёмдир. Шу қутлуғ айёмга етиб келган барча-ю барча, айниқса кексаларимиз минг-минг шукроналар айтдилар. Наврўзга эсон-омон етиб келдикми, у билан дийдор кўришдикми, демак бу ёғи хайрли бўлади, умримиз узоқ, ризқимиз бут бўлади, дейишди улар.

Бу гапларнинг замирида қанчадан-қанча маъно бор!

Шу куни эрта тонгдан то кечгача шаҳримизнинг истаган бурчагида, истаган районю истаган даҳа ва мавзеларида, маҳаллаларда, ҳар бир оилада Наврўз байрами кенг нишонланди. Унинг қатнашчилари — турли ёшдаги кишилар якдил бўлиб, қўлни қўлга бериб гина ва кудуратсиз, адоватсиз, халқимизга хос бағри кенглик, меҳригиёлик билан эзгу ва хайрли ишларга сафарбарлик айёми бўлган қадимий ва навқирон умумхалқ байрамини шод-хуррамлик билан ўтказдилар.

Биз Наврўз байрамини баҳор ва дўстлик байрами деб таърифладик. Чиндан ҳам ана шундай. Бунга биз ўтган куни, яъни 21 март куни яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шаҳримизда яшовчи турли миллат ва элатга мансуб кишилар Наврўз байрамимизга файз киритдилар, халқимизнинг севинчини бирга баҳам кўрдилар. Наврўзнинг анъанавий таомлари бўлмиш сумалак ва ҳалимни иштаҳа билан тановул қилдилар, ўзбек рақс ва қўшиқларини мароқ билан кўриб эшитдилар.

Дарҳақиқат, шу куни байрамни ўтказишга мутасадди бўлган ҳар бир киши қўлидан келган ҳамма ишни қилди, бор маҳоратини кўрсатиб, эл олқишини қозонишга ҳаракат қилди. Пазанда ва санъаткорларнинг шу куни бел боғлаб қилган хизматлари чиндан ҳам ҳар қандай таҳсин ва эътиборга лойиқдир.

— Бу байрам ҳақиқий дўстлик байрамидир, — дейди унинг қатнашчиларидан бири, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач З. Эгамбердиев. — Республикамизда, Тошкентимизда ўтказилаётган бундай тадбир ва маросимлар миллатлар ўртасидаги низоларни бартараф этади, улар ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада чамбарчас бўлишига хизмат қилади.

Кўпни кўрган ана шу оқсоқолнинг, ажойиб ҳамшаҳримизнинг бу гапларида ҳам бир олам маъно бор. Дарҳақиқат, Тошкентда нишонланган Наврўз айёми воқеаларга бойлиги, кишиларни жуда мамнун қилганлиги билан ҳамманинг эсида қолди. Айниқса республикамиз партия ва ҳукумати раҳбарларининг шу куни байрам тантаналарида халқимиз билан бирга, улар билан ёнма-ён бўлиб Наврўз тантаналарида иштирок этиши айни муддао бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ш. Р. Мирсаидов, Ў. Р. Умарбеков байрам қатнашчилари билан дилдан суҳбатда бўлдилар, меҳнаткашларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Ҳа, республикамиз ҳукуматининг қарори билан Наврўз байрами шарафига 21 март кунининг дам олиш куни деб эълон қилинганлиги, баҳор, дўстлик, меҳр-мурувват, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик айёми бўлмиш Наврўзи оламнинг серқуёш Ўзбекистонимизда, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида шодиёналик билан нишонланиши унда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг қалбида ўчмас из қолдирди. Бизнинг шу она заминимизда яшаётган турли миллат кишиларига баҳор байрами келтирган дўстлик ва бирлик туйғулари уларга қаётбахш куч бағишлагани Наврўз айёмининг ўзига хос якуни, миллий анъаналаримизни улуғлаш, халқ расм-русмларини тиклаш борасида республика партия ва ҳукумати олиб бораётган изчил снёсатнинг ўзига хос ёрқин намунаси бўлди.

Суратчимиз Тўлқин Каримовнинг Сиз, азиз оқшомхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу суратларида ҳам азим Тошкентимизда нишонланган Наврўзи олам шодиёналари ўз аксини топган. Наврўз айёми, унинг байрам қилинганлиги билан боғлиқ бошқа материалларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқишингиз мумкин.

С. ЕДГОРОВ.







Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

1990 йил 20 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси кун тартиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида кенг фикрлашув бўлиб ўтди.

Муҳокама чоғида Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг жорий этилиши снёсий, иқтисодий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа муносабатларда қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Кейинги пайтларда иқтисодий-иқтисодий вазиятнинг кескинлашувидан, белгиланган ислоҳотлар натижалари пастлигидан, жиноятчилик ўсиб бораётганидан одамлар ташвишланиши кучаяётганлиги уқтириб ўтилди. Тегишли жамоат тартибини, граждаилар хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий аҳволни нормаллаштиришга, долзарб иқтисодий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўрилиши кераклиги тобора қаттиқ талаб қилинмоқда.

Президент лавозимининг таъсис этилиши республика суверенитетини, Конституция тузумини, граждалар ҳуқуқларн ва эркинликларини мустаҳкамлайди, ҳокимият бутун механизми самарадорлигини, барқарорлик ва қонунийликни кескин ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, деган фикрлар билдирилди.

Мажлисда сўзга чиққан кишилар масъулиятсиз демократия бўлиши мумкин эмас, ўзини ўзи бошқарув кучли, лозим бўлганда, оператив иш кўрадиган, бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи ҳокимият бўлган тақдирдагина ўзининг ижобий имкониятларини чиқакамига рўёбга чиқара олади, деган якдил фикр билдирдилар.

Президиум аъзолари «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни маъқуллашдилар, бир қанча фикр-мулоҳазалар ва қўшимчалар киритдилар.

Мажлисда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясида

20 март куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Т. Х. Собитов бошқарди.

Мажлисда қайта сайлов ўтказиладиган сайлов округларидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишнинг дастлабки якунлари кўриб чиқилди.

Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 31 ва 53-моддалари асосида 37 та сайлов округидан номзодлар кўрсатилганлиги қайд этилди. Марказий сайлов комиссиясига тушган маълумотларга кўра, халқ депутатлигига 182 номзод ёки бир мандат учун ўрта ҳисобда беш номзод кўрсатилди.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш умуман сайлов тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ кўрсатилган номзодлар юзасидан эркин ва бемалол фикрлашув вазиятида ўтди.

Марказий сайлов комиссияси 29-Октябрь, 30-Фурқат ва 403-Ленин сайлов округларидаги бир қанча участка сайлов комиссияларининг ишн хусусидаги шикоятларини текшириш натижаларини кўриб чиқиб, мазкур округ сайлов комиссияларининг қарорлари тўғрилигини тасдиқлади ва Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги халқ депутатларини сайланган, деб рўйхатга олди:

Жалилов Абдулаҳад Туробович — Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 29-Октябрь сайлов округидан;

Қаюмов Малик Қаюмович — Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси правлениесининг биринчи котиби, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 30-Фурқат сайлов округидан;

Мавлонқулов Алимқул Тўрақулович — Қўқон нон комбинатининг директори, Қўқон шаҳри, Фарғона областидаги 403-Ленин сайлов округидан.

Мажлисда гражданлар ва меҳнат коллективларидан 1990 йил 10 мартдан 20 мартгача ўтган даврда тушган аризаларга Марказий сайлов комиссиясининг ёзма жавоблари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретаря Л. Ш. Бекқулбекова қатнашди.

КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАШ ТАРТИБИ

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби партияда кенг кўламда муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар съезднинг натижалари, аввало делегатлар составига боғлиқ бўлади, деб адолатли фикр юритиб, бу масалага катта аҳамият бермоқдалар. Партия аъзолари КПСС съездига делегатлар сайлаш ҳам иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига, ўлка, область партия конференцияларига делегатлар сайлаш каби муқобил тусда бўлиши, ҳар бир коммунистга мамлакатнинг олий партия анжумани составини таркиб топтиришда иштирок этишга имкон бериши лозимлигини кенг кўламда маъқуллаб чиқмоқдалар.

Партия ташкилотлари, коммунистлар, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашнинг қуйидаги тартиби таклиф этилади.

Бошланғич партия ташкилотлари съезд делегатлигига номзодларни кўрсатмоқдалар. Аъзолари кам бўлган ташкилотларда коммунистлар бу имкониятларни қўшма йиғилишларда амалга оширадилар, бундай йиғилишларни район ва шаҳар партия комитетлари ўтказадилар. Бу ҳолда рақобатни, муқобиллик, номзодларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларига холисона баҳо берилишини таъминлаш керак. Бу кишилар партиянинг обрўли аъзолари, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг муносиб вакиллари бўлиши, қайта қуриш жараёнида улар ижобий фазилатларни намоён этган бўлишлари ҳамда партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишга қодир бўлишлари муҳимдир.

Номзодлар партия ташкилотларида ва оммавий ахборот воситаларида партия сиёсати ва амалий ишнинг асосий масалалари юзасидан ўз позицияларини баён этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Партия ташкилотлари ўз номзодларини бошқа партия ташкилотларида қўллаб-қувватлаш ишларини ўтказишлари мумкин.

Делегатларни сайлаш тартибига боғлиқ тарзда кўрсатилган номзодлар район, шаҳар партия конференцияларида кўриб чиқилиши мумкин. Бунда район ёки шаҳардаги КПСС аъзоларининг умумий сони, муқобил таклифлар тақдим этиш имконияти ҳисобга олинади. У ёки бу номзод нечоғли кенг кўламда ва фаол қўллаб-қувватланаётгани ҳам эътиборга олинади. Йиғилишлар ва конференцияларда номзодлар кўрсатиш юзасидан қарор қатнашувчиларнинг ихтиёрига кўра очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кўрсатилган номзодлар рўйхати эълон қилинади.

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартибини коммунистларнинг фикри ҳамда партия ташкилотлари фаолиятининг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, область, ўлка партия ташкилотлари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг пленумлари белгилайдилар. Бунда партиявий бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округлари бўйича делегатларни бевосита сайлаш имконияти бор.

Бир мандатли сайлов округларидаги сайлов. Бу ҳолда Пленум КПСС XXVIII съездига делегатлар сайловини ўтказувчи комиссияни сайлайди. Бошланғич партия ташкилотларининг, район, шаҳар партия комитетларининг таклифига кўра, КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган партиявий структура ва вакиллик нормаларини ҳисобга олиб, комиссия партиявий сайлов округини тузади. Округлар бир нечта район (шаҳар) партия ташкилотларини қамраб олиши мумкин. Округларда округ сайлов комиссиялари тузилади.

Округ сайлов комиссияси бошланғич партия ташкилотларида сайловни ўтказиш устидан назорат ўрнатади, коммунистлар съезд делегатлигига номзодлар билан танишувлари учун шарт-шароит яратади, округ бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланишини ва мазкур бюллетенлар бошланғич партия ташкилотларига етиб боришини таъминлайди, округ бўйича сайлов натижаларини белгилайди.

КПСС XXVIII съездига делегат сайлаш юзасидан яширин овоз бериш учун ҳозирлаб қўйилган бюллетенга округдаги бошланғич ташкилотлар кўрсатган барча номзодлар киритилади, округлар бир нечта район (шаҳар)ларни қамраб олган бўлса, район (шаҳар) партия конференцияси қўллаб-қувватлаган номзодлар ўша бюллетенга киритилади.

Сайлов округи доирасида съезд делегатини сайлаш юзасидан яширин овоз бериш бошланғич (бошланғич ташкилот ҳуқуқларига эга бўлган цех ташкилотлари) партия ташкилотларида ўтказилади. Шу мақсадда улар ҳисоб комиссиясини сайлайдилар Овоз бериш мазкур ташкилотда ҳисобда турган коммунистлар рўйхати бўйича район, шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайлашга ўхшаб ўтказилади.

Агар сайловда округдаги КПСС аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтказилди, деб ҳисобланади. Номзодлардан бирортаси ҳам сайловда иштирок этган коммунистларнинг ярмидан кўпроқ овозини олмаган округларда биринчи даврада энг кўп овоз олган икки номзод такроран овозга қўйилади.

Партия комитетининг пленуми тузган комиссия КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш якунларини область, ўлка партия конференциясига ёки иттифоқдош республика Компартиясининг съездига маълум қилади. Башарти округда сайлов бўлмади деб эътироф этиладиган бўлса, шунингдек овозга қўйилган номзодлардан бирортаси ҳам, жумладан такроран овозга қўйишдан кейин ҳам зарур миқдорда овозлар сонини олмаган бўлса, бўш мандатга КПСС съездига делегатни бевосита область, ўлка партия конференцияси, иттифоқдош республика Компартиясининг съезди сайлайди.

Кўп мандатли сайлов округларида сайлов. Бу ҳолда пленум район, шаҳар партия конференцияларида қўллаб-қувватланган барча номзодларни кўриб чиқади ҳамда область, ўлка, республикадаги барча партия ташкилотлари учун ягона бўлган КПСС XXVIII съезди делегатлигига номзодлар рўйхатини тасдиқлайди.

Пленум КПСС XXVIII съездига делегатлар сайловини ўтказиш юзасидан область, ўлка, республика комиссиясини тузади.

Ҳар бир номзоднинг қисқача таржимаи ҳоли баён этилган номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинади. Шу рўйхатга асосан комиссия яширин овоз бериш учун бюллетенни тасдиқлайди, зарур миқдордаги бюллетенларни тайёрлайди ва уларни район, шаҳар партия комитетларига жўнатади, мазкур партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларида сайловни ташкил этадилар. Шу мақсадда район, шаҳар партия комитетлари ҳисоб комиссияларини тузадилар. Ҳисоб комиссиялари бошланғич (цех) партия ташкилотларида ҳам сайланади.

Партия комитети пленуми томонидан тузилган комиссия овоз бериш натижаларини область, ўлка партия конференцияларига, иттифоқдош республика Компартиясининг съездига маълум қилади. Агар область (ўлка) партия ташкилоти, иттифоқдош республика Компартияси составининг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этган бўлса, сайлов ўтди, деб эътироф қилинади. Башарти, сайлов ўтмаса ёки бўш мандатлар қолса, делегатлар сайлови бевосита область, ўлка партия конференцияларида, иттифоқдош республика Компартиясининг съездида ўтказилади.

Кўп мандатли сайлов округлари район (шаҳар) партия ташкилотларининг группаси бўйича тузилиши мумкин. Бу ҳолда уларнинг ҳар бирида округ сайлов комиссиялари тузилади.

Область, ўлка партия комитети, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарорига кўра съездга делегатлар сайлаш ҳуқуқи коммунистлар сони КПСС Марказий Комитети белгилаб қўйган вакиллик нормасига мос келган ёки мазкур нормадан кўпроқ бўлган бошланғич партия ташкилотларига бевосита берилиши мумкин. Бу ҳолда партия ташкилоти бир мандатли ёки кўп мандатли сайлов округини тузади. Сайланган делегатлар область, ўлка партия ташкилотлари, иттифоқдош республикалар Компартияларидан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатларнинг умумий сонига қўшилади.

КПССнинг амалдаги Уставига биноан партия съездига делегатлар область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланиши мумкин. Агар шундай тартиб қабул қилинса, сайлов жараёнини имкони борича демократиялаш лозим бўлади. Бу ҳолда сайлов муқобил негизда бошланғич партия ташкилотларида кўрсатилган ҳамда район (шаҳар) партия конференцияларида қўллаб-қувватланган номзодлар ҳисобидан ўтказилади.

Овоз бериш натижалари аниқланаётганида, КПССнинг ҳозир амалда бўлган Уставида кўзда тутилган тартибдан фарқли тарзда, бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган, аммо овоз беришда иштирок этган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатларининг ярмидан кўпроғи овозини олган номзодларни КПСС XXVIII съездига делегатлар қилиб сайланди, деб ҳисоблаш лозим бўлур эди.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотларидан КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартибига ўзгартиришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Илгари улар территориялардаги партия ташкилотлари делегатлари билан биргаликда сайланар эди. Бу гал эса уларни ҳарбий округлар, флотлар, бирлашмалар, Қуролли Кучларнинг турлари, ички қўшинлар бошқармалари ва чегара қўшинлари округлари партия конференцияларида бевосита сайлаш таклиф этилмоқда.

Чет элда турган Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти қисмлари партия ташкилотларида ҳисобда бўлган коммунистлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар илгаригидек, ҳозир ҳам XXVIII съездга делегатларни ҳарбий қўшилмаларнинг партия конференцияларида сайлайдилар. Бунда ҳарбий хизматчи бўлган коммунистлар территориал конференциялар, иттифоқдош республикалар Компартиялари съездларининг ишида таркиб топган практикага кўра иштирок этадилар, улар тегишли партия органларига сайлашлари ва сайланишлари мумкин. Аммо территориялардаги партия ташкилотларидан КПСС съездига делегатлар сайлашда иштирок этмайдилар.

Чет элларда ишлаётган совет муассасаларидаги партия ташкилотларидан съездга делегатларни Москва шаҳрида ўтказилиши мумкин бўлган партия конференциясида сайлаш имкониятини бериш мақсадга мувофиқдир.

Комиссиянинг фикрича, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашнинг таклиф этилаётган тартибидан партиянинг бошқа съездлари ва конференцияларига делегатлар сайлашда фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Область, ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари КПСС XXVIII съезди номига партия ташкилотларидаги фикрларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган партиянинг марказий органлари составига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни жўнатишларини белгилаб қўйиш ҳам лозим бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш сиёсати масалалари комиссияси.

Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорлари қурултойи қатнашчиларининг жумҳуриятдаги барча меҳнаткашларга МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли ўртоқлар!

Шу кунларда кўп миллатли Ватанимиз халқлари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ниҳоятда масъулиятли даврни бошдан кечирмоқдалар. Партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш жамиятнинг бутун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жабҳаларини қамраб олди, омманинг фаоллигини уйғотди ва ҳаракатга келтирди.

1990 йил 12—15 март кунлари бўлиб ўтган СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш масалаларини муҳокама қилди. Съездда ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди. Барча совет халқи ушбу лавозимнинг таъсис этилиши мамлакат иқтисодиётидаги тангликдан халос бўлишда кескин бурилиш ясалишига имкон беради, деган умид билдирмоқда.

Ўтмишни танқидий идрок қилиш, эскича тафаккур қолипларидан воз кечиш жараёнлари давом этяпти. Замон сиёсий ва иқтисодий системани, миллий муносабатларни, ижтимоий ва маънавий соҳаларни тубдан ўзгартириш масалаларини кун тартибига қўймоқда. Қайта қуриш жараёни зўр қийинчиликлар билан амалга ошаётганлигини кўриб турибсиз. Республикамизда ҳам турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларининг кескин тўқнашувлари, миллатлараро муносабатларда мушкулликлар учрамоқда.

Шусиз ҳам жумҳуриятимизда йиллар мобайнида ўз ечимини кутиб ётган кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар мавжуд. Бугунги кунда айниқса қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси жиддий эътиборга муҳтож. Қишлоқларда уйжойлар, шифохоналар, мактаблар, болалар муассасалари етишмаяпти. Озиқ-овқат таъминоти ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Меҳнатга яроқли 100 минглаб кишилар, айниқса ёшлар доимий иш топиш умидида яшамоқдалар. Пахта якказироатчилиги оқибатида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетди, атроф-муҳит, сув ва ҳаво ифлосланди. Айниқса, Орол бўйида яшаётган аҳолининг ачинарли аҳволи бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай мураккаб шароитда биз, қурултой қатнашчилари — колхозчилар ва ишчилар, деҳқончилик саноатининг раҳбар ва мутахассислари қайта қуриш тақдири учун, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун масъул эканимизни унутмайлик.

Биз КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига мурожаатини, СССР халқ депутатлари съездлари дастурларини қўллаб-қувватлаймиз ва тўпланиб қолган муаммоларни фақат қонунчилик, демократия, ошкоралик, юксак уюшқоқлик ва мустаҳкам тартиб-интизом орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Жамиятга, умумхалқ манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни, миллий туйғуларни камситиш, қайта қуриш йўлидаги қийинчиликлардан фойдаланиб атайлаб можаролар, тартибсизликлар чиқарилишини қаттиқ қоралаймиз. Норасмий ташкилотларнинг айрим раҳбарлари ана шундай йўл тутмоқдалар. Улар жумҳурият партия-ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий соҳалар муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишларини камситишга уринмоқдалар ва бу тадбирларни ўзларининг иши деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумҳуриятимиздаги кексаю ёш, ишчию деҳқон, зиёлию талаба уларнинг иғвогарона даъватларига учмасликлари керак.

Азиз ўртоқлар!

Пахтачилик бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолаверади. Зотан, йўл қўйилган айрим нуқсон ва камчиликлардан халос бўлинса, бу соҳа деҳқон учун катта даромад манбаидир. Ўтган йили пахтакорларимиз давлатга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» сотиб, планни муваффақиятли ўринлатдилар. Жумладан, жами маҳсулотнинг 4 миллион 100 минг тоннаси биринчи ва иккинчи навларга топширилди. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил олинди. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган шаҳарлик ҳашарчилар сони анча қисқарди, бу ишга ўқувчи ёшларни мажбуран жалб этиш ҳолларига чек қўйилди. Ҳосилнинг ярмидан кўпроғини механик-ҳайдовчиларимиз териб бердилар.

Жорий йилнинг хусусияти бўлакча. Илк бор пахта якказироатчилигини тугатиш, алмашлаб экишни қўллаш натижасида тупроқни соғломлаштириш, озиқ-овқат дастурини амалий ҳал этиш имкониятлари яратилади. Зеро, жумҳурият қишлоқ хўжалиги оқсоқоллари ҳам бир беш йиллик мобайнида пахта етиштириш плани 1 миллион тоннага камайтирилганлигини эслай олишмаса керак. Ҳозир эса бу амалдаги ҳақиқатга айланди.

Эндиликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қоғозларда эмас, балки амалда, иқтисодий омилларга таянилган ҳолда олиб борилмоқда. Ўтган йили I ва II нав пахтанинг ҳар бир тоннасига 120 сўмдан, III нав учун 90 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Жорий йилда ушбу қўшимчалар янада салмоқли бўлади, яъни тегишли равишда 210 ҳамда 120 сўмни ташкил этади. Хомаки ҳисобланганда бу қўшимчалардан ҳар бир хўжалик ўрта ҳисобда 660 минг сўм даромадга эга бўлади. 1991 йилда пахтанинг нархи оширилади. Натижада тармоқ самарадорлиги кескин кўтарилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Харид нархлари кўтарилганда меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, мелиорация ишларига, техника ва ўғитга кетадиган харажатлар ўрнини қоплаш билан бирга қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини ривожлантириш имкониятлари вужудга келди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини ошириш масаласини ҳал қилишни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан қатъий сўрамоқда.

Ҳозирги вақтда иттифоқ органлари республиканинг пилла, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларига шартнома баҳоларини жорий этиш ҳақидаги ҳукумат қарорини моддий рағбатлантиришнинг яққол намунаси деса бўлади. Эндиликда ушбу маблағларни оқилона тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда хўжасизлик ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик муҳимдир.

Қадрли ўртоқлар!

Сизларни илмий асосланган алмашлаб экишни кенг жорий этишга, фан-техника тараққиёти ва илғор тажрибалардан унумли фойдаланишга чақирамиз. Пахтачилик билан бир қаторда боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликни ривожлантириш, чорва моллари учун озуқа экинлари майдонларини кенгайтиришга жиддий эътибор берайлик.

Бугунги кунда дўконлар ва бозор пештахталарини сабзавот, мева, гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришдан муҳимроқ иш йўқ. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилиш, фан тавсияларидан ишлаб чиқаришга билимдонлик ва тадбиркорлик билан фойдаланиш, ижара ва хўжалик юритишнинг бошқа янги шаклларини кенг жорий этиш зарур.

Азиз қишлоқ аҳли!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва жумҳурият Министрлар Советининг қарорига биноан ҳозиргача 393 минг янги оилага томорқа берилди. 909 минг оила эса қўшимча томорқа майдонига эга бўлди. Ана шу мақсадларда энг серҳосил, суғориладиган 160 минг гектар экин майдони тақсимланди. Энди буёғи сизнинг тадбиркорлигингизга, ғайратингизга, деҳқончилик илмини қанчалик пухта эгаллаганингизга боғлиқ. Томорқа ерларидан қанчалик самарали фойдалансангиз, шунчалик кўп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирасиз, хонадонингиз тўкин-сочин бўлади. Шаҳарлик биродарларингизнинг дастурхонига барака киради. Шу боисдан томорқангизнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланинг, чорбоғларингиз эрам саховатини эслатсин.

Жумҳуриятимизда хотин-қизларнинг тақдири ва болаларнинг келажагига алоҳида эътибор берилаётганлигини сезиб турган бўлсангиз керак. Мактаб ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиш, кексалар ва ногиронларга бериладиган нафақаларни кўпайтириш учун бир неча ўн миллионлаб сўм маблағ ажратилди. Қишлоқдаги хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, кўп болали оналар ва уй бекаларини иш билан таъминлаш борасида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. Ҳар бир хўжаликда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, қаҳрамон оналарга бериладиган нафақа миқдорини ошириш имкониятлари қидириб топилса, айни муддао бўлур эди.

Озиқ-овқат режаларини амалга оширишнинг муҳим омили бўлган чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида сўнгги йилларда бирмунча ижобий силжишлар рўй берди. Чорва моллари зотлари яхшиланмоқда, маҳсулдорлик ошмоқда. Сўнгги тўрт йил мобайнида колхоз ва совхозларда гўшт ва сут етиштириш 4,1 баравар, тухум етиштириш қарийб 50 фоиз кўпайди. Бунга чорвачиликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари дадил жорий қилинаётганлиги туфайли эришилди. Соҳада ижара, пудрат каби самарали усулларни ривожлантириш, ўзини оқлаётган фермерлик хўжаликларини кўпайтириш асосий йўналиш бўлиб қолади.

Жумҳуриятимизда жорий йилда ҳам сув танқислиги бўлиши кутилмоқда. Шу боисдан сув хўжалиги ходимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбар ва мутахассислари, деҳқонлар, томорқа эгалари оби ҳаётнинг ҳар бир томчиси ҳам беҳуда исроф бўлмаслиги сизларга боғлиқ. Ақлу-заковатингиз, тадбиркорлигингиз, тежамкорлигингиз туфайли сувнигина эмас, техникани, ўғитларни, экин майдонларини тежашга, улардан самарали фойдаланишга эришишингизга ишонамиз.

Пахта майдонлари камайганлиги, томорқа ерлари берилганлиги туфайли бу йил ва бундан буён мева ва сабзавот маҳсулотлари кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бу эса қайта ишлаш тармоғи меҳнаткашлари олдига жиддий вазифалар қўяди. Қайта ишлов корхоналарининг имкониятларини ошириш, жойларда кам қувватли маҳсулотни қайта ишловчи цехлар қуриш лозим. Бундай цехлар хўжаликларда ва шахсий томорқаларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўша жойларнинг ўзида қайта ишлаш имкониятини беради. Тармоқ меҳнаткашлари ўз маҳсулотларининг сифатини яхшилашлари ва хилларини кўпайтиришлари, ишлаб чиқаришнинг чиқитсиз технологиясини жорий этиш йўлида кўпроқ бош қотиришлари талаб этилади.

Муҳтарам шаҳарликлар! Саноат ва қурилиш корхоналарининг ишчи ва хизматчилари!

Ҳозир аҳолига томорқа ерлари берилиши муносабати билан қишлоқларда кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги сизларга маълум. Дарҳақиқат, шу кунларда бутун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонини эслатади. Шу тобда қишлоқ аҳолиси сизларнинг мададингизга, кўмагингизга муҳтож. Уларга кўплаб қурилиш материаллари, техника ва илғор технология зарур. Қишлоқдаги уй-жой, мактаблар, боғчалар, шифохоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши сизнинг бевосита ёрдамингизсиз амалга ошиши мушкул. Шу боисдан деҳқонлар ҳамиша саховатингизга умид боғлайдилар. Биз эса ушбу ғамхўрлигингизга жавобан дастурхонингизни дала неъматларига сероб этамиз.

Илм-фан намояндалари, шаҳар ва қишлоқ зиёлилари! Сизларнинг мураккаб ва шарафли меҳнатингизни бениҳоя қадрлаймиз. Пахтачилик, боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар самарадорлигини оширишда қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳали сиз кўп ғайрат-шижоат, тадбиркорлик кўрсатасиз, деган умиддамиз.

Қишлоқдаги муаммоларнинг муваффақиятли ҳал бўлиши шубҳасиз кўп жиҳатдан ернинг ҳақиқий хўжайини бўлган деҳқоннинг маънавияти, инсоний фазилатлари, заминга ва касбига бўлган меҳру муҳаббатига боғлиқдир. Энг аввало, элни кийинтирувчи ва тўйдирувчи деҳқонни эъзозлайлик, ҳурмат-эътиборини жойига қўяйлик. У узоқ йиллар давом этган шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларининг ситамларидан, ғуборларидан тамомила фориғ бўлсин. Деҳқоннинг қалбидаги шубҳа ўрнини ишонч, умидсизлик ўрнини келажакка интилиш орзуси эгалласин.

Азиз ўртоқлар!

Ҳозирги аграр сиёсат жамиятни инқилобий ўзгартиришнинг асосий таркибий қисмидир. Ҳолбуки, шундай экан, қайта қуришнинг муваффақияти қишлоқ хўжалиги ходимлари, қайта ишлаш тармоқлари меҳнаткашларининг самарали ишларига боғлиқлигини ҳар дақиқа ёдда тутайлик.

Бутун куч-ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни озиқ-овқат режаларини шараф билан бажаришга сафарбар этайлик. Халқимиз дастурхони шу йилнинг ўзидаёқ гўшт ва сутга, мева ва сабзавотга ҳамда бошқа ноз-неъматларга тўкин-сочин бўлсин.



Чехословакия Социалистик Республикаси. Соколов, Ғарбий Богемия. Шу ерда маҳаллий спорт клубида врачларнинг иштироки билан умуртқасининг у ёки бу хасталиги бўлган болалар учун саломатликни тикловчи чўмилиш машқлари ташкил этилган.

Ҳар ҳафтада уч марта сув ҳавзасида 50 га қадар 6 ёшдан 14 ёшгача болалар ташриф буюрадилар. Шу ерда уларни сузишга ўргатадилар, спорт инструкторлари шифокорлар билан ҳамкорликда болаларга хасталикдан фориғ бўлишда ёрдам берадиган сувдаги жисмоний машқлар комплексини ўрганишда кўмаклашадилар.

СУРАТДА: инструктор раҳбарлигида сувда нафас олиш машқлари бажарилмоқда.

ЧТК — ТАСС сурати.

Хориждан хабарлар

⊙ ПЕКИН. Хитой адолат маъбудаси жиноятчиликнинг пайини қирқиш учун қаттиқ чоралар кўрмоқда. Пекин суди ўтган йилнинг апрель—июнь ойларида «ўғирлик, дайдилик ва безорилик билан шуғулланган» Ляо Цзяньчэн ва унинг икки ҳамтовоғини ўлим жазосига ҳукм қилди, деб ёзади «Бэйцзин жибао» газетаси. Улар, жумладан хусусий дўконга ҳужум қилганликда айбланадилар. Ўғрилар бу ҳужум вақтида дўкон эгасига пичоқ уриб, уни оғир ярадор қилган эдилар.

Хитой пойтахтида мамлакатда дастлабки «Хотин-қизларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситалари мактаби»га ўқувчилар қабул этилиши маълум қилинди. Мактаб директори Сю Юаннинг сўзларига қараганда, «шаҳарларда яшаётган ҳозирги аёллар улар анча кам муҳофаза этилганликлари, айниқса жамоат транспортида уларга тез-тез ҳужум қилинаётганлиги учун бундай тайёргарликка муҳтождирлар».

Хитойда чиқадиган бошқа бир «Чайна дейли» газетаси яқинда мамлакатнинг бешинчи махсус иқтисодий зонаси деб эълон қилинган энг жанубий Хайнань вилоятида жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши кураш кучайтирилганлиги тўғрисида ёзади. Маҳаллий полициянинг қатъий ҳаракатлари натижасида жиноятчилик, шу жумладан ўғирлик, талонтарож қилиш, қотилликлар йил бошидан бери ўтган йилнинг сўнгги уч ойига нисбатан деярли учдан бир баравар камайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бирга партия, давлат идораларининг ходимлари, маҳаллий аҳоли жиноятчиликка қарши курашда фаол қатнашмоқда. Сўнгги вақтларда фуқароларнинг берган хабарлари натижасида 300 дан ортиқ жиноятчини аниқлаш ва қўлга туширишга муваффақ бўлинганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Ҳозир вилоятда 11 мингта «ижтимоий муҳофаза оммавий ташкилотлари» бор. Уларнинг кўпчилиги жиноятчиликнинг муайян турлари билан шуғулланишга ихтисослашмоқда. Полициянинг кўнгилли ёрдамчилари сафида вилоятда яшаётган 67 минг киши бор.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йоркдаги «Радио сити холл»да жаҳонга машҳур қўшиқчилар ва мусиқа коллективлари иштирокида хайрия концерти бўлди. Томошадан тушган 2,5 миллион долларга яқин пулни шу концерт ташкилотчиси — «Аристи рекордс» овоз ёзиш компанияси СПИД касаллигига йўлиққан америкаликларнинг ёрдам жамғармасига ўтказди.

«Нима учун дўстларимиз бор?» деб ном олган концертда Уитни Хьюстон, Дионн Уорвик, Карли Саймон, Дэрил Холл ва Жон Оутс сингари машҳур ижрочилар, «Юритмикс», «Милли ванилли», «Эйр сэплай» группалари ва бошқа кўп коллективлар қатнашди. Кеча бугунги кунда жаҳондаги бешта энг катта овоз ёзиш фирмалари қаторига кирган «Аристи рекордс» ташкил топган куннинг ўн беш йиллигига бағишланди.

(ТАСС).

Советлар мамлакатида

⊙ СВЕРДЛОВСК. Ураллик мутахассислар тюменлик геологларга бурғилаш қурилмалари учун ёқилғи сифатида газ қазиб олишга кўмаклашадиган газ конденсатидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Свердловскдаги «Турбомоторний завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бурғилаш қурилмалари учун ҳам дизель ёқилғисида, ҳам конденсат ёрдамида ишлай оладиган двигателлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Янги агрегат бориш қийин бўлган жойларда қўл келади. У ёқилғи ташиб келтиришдек қимматга тушувчи ишдан озод қилади. Двигатель 5—6 ой ичида ўзини оқлайди, унинг хизмат муддати эса беш йил атрофида.

⊙ МАЛОРИТА (Брест области). Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш марказий илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган пичанзор ва яйловларни ўтлоқларга айлантиришда фойдаланиладиган тупроққа ишлов берувчи комбинацияли экиш агрегати беш-олтита турли машина ва қурилмаларнинг ўрнини боса олади. «Малоритский» совхозининг деҳқонлари уни синовдан ўтказдилар. Янги агрегатдан фойдаланиш ўтлоқларни яхшилаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини ҳам ошириш имконини беради.

⊙ ХАРЬКОВ. Харьковдаги С. М. Киров номли завод мутахассислари мамлакатимиз иссиқлик электр станцияларидаги 300 ва 150 минг киловатт қувватга эга бўлган эскириб қолган турбиналарни янгилай бошладилар. Улар машиналарнинг қаттиқ қизиб кетиб, натижада кўп йиллар фойдаланиш мобайнида айниқса едирилиб кетадиган қисмларинигина алмаштиришни таклиф қилишган. Шунда ишга яроқлилигини йўқотмаган асосий ва ёрдамчи механизмлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Станциялар биноларини, уларнинг машина залларини, ускуналарнинг пойдеворларини қайтадан қуришга ҳожат бўлмайди. Корхона цехларида Красноярск, Приднепровск ва Троицкий ГРЭСлари учун мўлжалланган ўзига хос конструкцияли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарила бошланди. Илгари фақат едирилганларини алмаштириш учунгина ишлатилган деталларга нисбатан ҳозиргилари турбиналарда вужудга келтириладиган қўшимча қувватни икки баравар кўпайтириш имконини беради. Уларнинг фойдали иш коэффициентини бир ярим фоиз оширади.

⊙ АСТРАХАНЬ. Каспий-Волга транспорт конвейери ишлай бошлади. Россия ноқора-тупроқ зонасида йўллар қуриш учун Красноводскдан шағал келтирган «ВЛКСМ XVII съезди» қуруқ юк ташийдиган кемаси бу йўлдан биринчи бўлиб ўтди. Астрахань порти коллективи 1990 йил юк ташиш мавсумига яхши тайёргарлик кўриб қўйди. Бу мавсумда ўн бир миллион тонна юк ташиш керак бўлади.

(ТАСС).

АСРЛАР ОША ЯШАЙСАН, НАВРЎЗ!



ТАРОВАТИНГ ЎЗГАЧА

О, Баҳор! Қандай лаззатли, бокира ва гўзалсан! Сенинг баҳри-дилинг, тароватинг олдида ҳамма тиз чўкадч. Латофатинг олдида... Шу боисдан эрка фаслим, сени «келинчакка» қиёслашади. Сенинг келишинг толиққан хасталарни оёққа турғизади. Сен жон ато этгувчи қудратга эгасан. Кучинг, қувватинг ана шундай!..

Қодир бобо қўлида ток қайчи, боғдаги токларни очиб, мевали дарахтларни кўздан ўтказиб қўймоқчи у. Бобо қишда жуда зерикиб қолди. Димиққан чолнинг баҳор келиши билан дили очилиб, ташвишлари ортди. Ҳув, ана у токни кўрсатиб: «Бу токнинг томири эски, лекин ҳар йили янги-янги навда беради. Ҳосили ҳам чакки эмас. Нақ ҳар бир бошидан килодан кам эмас», — деди. Шу боғдаги дов-дарахтларнинг ҳаммасини ўзи экиб, ўзи парваришлайди.

Бу кўклам у ёши борасида аср билан излашади. Шундай бўлса-да ҳали ғурури баланд, шижоати ўткир, юзидан қувонч аримайди. Бобо боғидаги дарахтларни кузатди, кераксиз шох-шаббаларини қирқиб ташлади. Ариқни тозалади, бироз бўлсада ер ағдарган бўлди. Қуёш тафтиданми, меҳнат завқиданми унинг юз йиллик пешонасида тер пайдо бўлди. Яктагининг учи билан артиб қўяр экан, ўз ишидан кўнгли тўлди, шекилли мийиғида кулиб қўйди. Шу пайт нимадир эсига келиб ҳовли этагидаги анҳор томон юрди.

Бобо ёш болаларга хос бир қиёфада анҳор бўйи кўкликларига разм солди... Сўнгра, униб чиққан яшил майсаларни сийпалаб, ялпиз ва ҳар хил фойдали кўкатлардан териб, уйига равона бўлди...

Қодир бобонинг ишқи баланд. Ишга берилдими, тамом, ҳамма нарсани унутади. Ўз иши, ўз ташвиши билан бўлиб, ҳавонинг ўзгаришини ҳам билмай қолди. Бирдан осмонни булут қоплаб, момақалдироқ гумбурлаб яшин чақнади..

Худди шу сония узоқдан набираси Баҳромнинг:

— Бобожон, тезроқ уйга келинг. Ёмғирда эзилиб қоласиз, — деган овози келди.

— Хўп, ҳозир бораман, болам..

Қодир бобо азалдан кўклам ёмғирини яхши кўради. Шу боис набирасига «хўп» деган бўлсада, юзларини ёмғир ювмагунча уйга кирмади. Сўнг... Кўклам ёмғирида бутун борлиғини поклагандай бўлди:., Уйга киридю, ҳали ўзи узиб келган кўкатлардан тайёрланган таомларни кўриб, кўзида қувонч ёши пайдо бўлди. «Шу кунларга етказганингга раҳмат!» — деди у.

Бобосининг севинганини кўрган набираси:

— Бобожон, нега йиғлаяпсиз. Сизни биров хафа қилдими? — сўради Баҳром.

—Ҳеч ким мени хафа қилгани йўқ, болам. Сен кўрган юзимдаги томчилар, кўклам ёмғирининг бу йилги ризқи-рўзимиз хайрли бўлишидан далолат берадиган доначаларидир. Кўклам, доначалари — бу, — деди у.

Қодир бобода ҳикмат кўп. Назаримда кўклам ёмғири, наинки борлиқни, балки қиш бўйи дилларда ўрнашган, далаларда тўпланиб қолган чанг-губорларни ҳам ювиб кетгандай бўлди...

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

МАРОҚЛИ ЎТДИ

⊙ ҲАМЗА районида жойлашган Абдулла Авлоний номли 156-мактабда ҳам Наврўз байрами кенг нишонланди. Ранг-баранг тузилган байрам программасига Шарқ давлатлари халқларининг қўшиқ ва рақслари, урду тилида айтилган шеърлар ҳам ҳамоҳанг бўлди. Мактаб директори Т. Муталов байрамга ташриф буюрганларни табриклади. Шоира Ойдин Ҳожиева ўзининг янги ёзган шеърларини ўқиб берди. Севимли хонанда Нуриддин Ҳайдаровнинг жозибали қўшиқлари ҳаммани хурсанд этди.

Баҳор вальси садолари янграйди. Ўртага 12 ойни акс эттирган ўқувчилар сумалак кўтариб кириб келдилар ва меҳмонларни баҳор таоми билан сийладилар.

У. АЛИХЎЖАЕВ.

ЭРТА тонгдан корхонанинг дарвозаси кенг очилган. Байрам безагини кийган ҳовлиларга янада файз таралиб турибди. Остонада ишчиларга пешвоз чиққан карнай ва сурнай садолари эса киши қалбига бетакрор илиқлик, қувонч олиб кираётгандек. Бирлашманинг каттагина майдонида яна бир нарсага кўзимиз тушди. Атрофи хотин-халажлар билан тўла катта дошқозонда сумалак пишаяпти. Ҳа, Наврўз элчиси, тўкинлик рамзи сумалак. Икки оғиз корхона ҳақида.

Оқтепа маҳалласи Тошкентнинг қадимий аҳоли зич жойлашган даҳаларидан ҳисобланади. Бу ер аҳолиси асосан ҳунармандчилик ишлари билан машғул бўлган. Аёллар бўлса уйларида тикувчилик касби билан тирикчилик ўтказганлар. Маҳаллалар ичида жойлашган кичик-кичик касаначилик жамоалари бирлаштирилиб катта тикув корхонаси барпо этиш зарурати туғилди. Ниҳоят 1974 йили мазкур маҳаллада ҳам тикувчилик фабрикасининг пойдеворига ғишт терилди. Маҳалла марказида салобат билан қад кўтарган мазкур корхона хотин-қизларнинг севимли масканига айланиб «Чевар» номи билан аталди. «Чевар» чеварлари хотин-қизлар кўйлакларини тез ва сифатли тикишда кўп ўтмай жумҳуриятга танилди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бу ерда ҳамиша кўнгилдагидек эди. Энг асосийси улар бу ютуқларга ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик эвазига эришдилар. Шу аҳиллик уларни бу йил яна бир хайрли ишга ундади. Корхона жамоаси бирлашиб, Наврўзга тараддуд кўра бошладилар. Мақсад, сумалак пишириб дилни хушнуд этиб, янги йил базмини шод ўтказиш. Мана, сумалак ҳам етилай деб қолди. Маҳалланинг табаррук онахонлари унинг таъмини тота бошлар эканлар, омонлик-соғлик дея кўзларига суртдилар.

«БАҲОРИМИЗ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН»

ДЕЙИШМОҚДА «ЧЕВАР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ИШЧИЛАРИ

— Манзура Олимжонова, — деб таништиради улардан бири. — Йигирма йилдан ошди шу ерда ишлаётганимга. Кўп қизларга мураббийлик қилдим. Шу кунларни кўраётганлигимизга шукур. Партия ва ҳукуматимиз кўнглимиздаги ишни қилиб Наврўзимизни қайтариб берди...

— Мен Гулсара Оқилова бўламан. Бундай байрам, шодиёна корхонамиз барпо бўлгандан бери энди бўлиб турибди. Одамларнинг юзига қаранг, қанча табассум. Чинакам меҳнат бахти шу бўлса керак дейман. Қадимий ва кўҳна Наврўзимиз асрлар оша шундай ривож топиб яшаб, ёшариб бораверсин деб орзу қилардим.

— Биз, ёшлар кўп нарсаларни ўргандик, — дейди фабриканинг филиалидан ташриф буюрган ёш тикувчи Сабохатхон Мусаева. — Шу бугунги Наврўз тантанаси нишонланмаганда шунча удумларимиздан бехабар қолар эканмиз. Наврўз бу янги кун, янги йил! Эртанги кунимиз янгиликларга бой, тинчлик-тотувлик ва тўкинлик олиб келсин...

Дарҳақиқат, ҳар бирининг диллари ниятларга, орзуларга лиммо-лим. Ҳар ким нияти амалга ошишига умидвор. Сумалак олаётган бармоқларига ҳам ана шундай умидлар билан тикиладилар. Сумалак қосаларга солиниб, қўлмақўл корхона бўйлаб, ундан кейин маҳалланинг узоқ кўчаларигача тарқала кетди. Қўлларини меҳр қуёшидек ўз тафти билан қиздираётган сумалакка одамлар баҳоримиз, янги йилимиз қутлуғ келсин дея ният қилишарди.

Феруза ҲУСАНОВА.





АҲИЛ ВА ТОТУВ

— Дарҳақиқат, маҳалламизда 17 миллат вакиллари яшаса-да, улар бир-бирлари билан жуда аҳил ва тотув, — дейди Собир Раҳимов районидаги Беруний номли маҳалла комитетининг раиси Тоҳир Қосимов. — Бу ерда ўтказиладиган тўй ва бошқа маросимларимиз доим аҳиллик ва ҳамжиҳатлик руҳида бўлади. Баҳор айёми — Наврўз байрамига бағишланган маросим ҳам ушбу фикримнинг ёрқин исботидир.

Байрамга бағишлаб маҳаллада сумалак ва ҳалим тайёрланди. Бу ерга тўпланганларни маҳалламиз отахони М. Бобохонов ҳалим билан сийлади. Отахоннинг ўн фарзанди бор. Фарзандларининг ҳаммаси байрам куни Муҳаммаджон отага яқиндан ёрдам беришди.

Райондаги 249-мактаб ўқувчилари кўрсатган концерт ҳаммага манзур бўлди. Маҳаллада ўтказилган Наврўз байрами барчани мамнун этди.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: шодиёна лавҳалари.

Муаллиф суратлари.

ОРЗУНИНГ УШАЛИШИ

ЎТГАН куни серқуёш республикамизда бўлгани каби жонажон Тошкент шаҳрида ҳам Наврўз айёмининг кенг нишонланганлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг халқимиз маросимлари, урф-одатлари ва байрамларини тиклаш борасида амалга ошираётган тадбирларининг ўзига хос кўриги бўлди. Азалий халқ байрами — «Наврўз байрамининг тикланиши ва 21 март кунининг дам олиш куни сифатида белгиланиши ўзбек халқининг узоқ йиллар давомидаги эзгу орзуси эди. Ана шу эзгу орзунинг қандай ушалганлигини биргина бизнинг маҳалламиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Эрталабданоқ байрамона безанган маҳалла оқсоқоллари-ю онахонлар, ёш йигитлару лобар аёллар маҳалла чойхонасида Наврўз шарафига ўтказилган тантаналарда қатнашишга кела бошлашди. Байрам дастурхони атрофига тўпланган меҳмонлар Наврўз байрамининг қайта тикланганлиги халқимиз дилидаги иш бўлганлигини таъкидладилар, дўстлик ва меҳр-оқибат ҳақида, оила тотувлиги-ю кексаларни ҳурматлаш ҳақида дилдан суҳбатлашдилар. Дастурхонга тортилган ҳалим ва сумалак ҳаммага манзур бўлди.

Маҳалламизда турли миллат ва касб-корга эга бўлган кишилар бир оила фарзандларидек яшамоқдалар. Ишчи-ю олим, санъаткору қурувчи, тиббиёт ходими-ю меъмор, хуллас бу ерда истиқомат қилувчи ҳар бир киши маҳаллада Наврўз байрамининг файзли ва қувончли ўтиши йўлида қўлидан келган барча ишларни амалга оширди. Шоир ва санъаткорлар даврага янада файз киритишди. Байрам шодиёналари кечгача давом этди. Оқшом тушиши билан эса у оилаларга кириб борди...

Маҳалламизда ўтказиладиган бундай тадбир ва маросимларга доимо фаолларимиз бош-қош бўлишади. Бу галги Наврўз байрами тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда маҳалла оқсоқоллар кенгашининг раиси Носир Зиёмов, маҳалла комитети раисининг ўринбосари Содиқ Мухсимов, фаолларимиздан Акбар Асқаров, Зикрилла Эгамбердиев, Маҳкам Даминов, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари Ойша Аҳмедова, Саида Каримова ва бошқалар айниқса жонбозлик кўрсатишди.

Карнай-сурнай наволари, дилрабо қўшиқ ва шўх ўйин-кулгулар билан ўтган Наврўз байрами маҳалламизда истиқомат қилувчи ҳар бир кишининг қалбида ўчмас таассурот қолдирди.

Ҳошим АЛИМОВ, Октябрь районидаги «Илғор» маҳалла комитетининг раиси.

Меҳр-шафқатли бўлайлик

САҲОВАТНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

Айтишларича, Наврўз кунлари кишилар қалбидаги гина-кудуратларни ёддан чиқаришиб, ён-атрофидагиларга фақатгина яхшилик қилишлари лозим эмиш. Баҳор байрами ёшу қарининг, оналар ва фарзандларнинг байрами. Бир қозонда сумалак пиширишнинг ҳам ўзига яраша хислатлари бор эмиш. Йўқ, бу бир қозонда ҳамма қайсидир таомни пиширди, деган гап эмас. Бу — бир қозон атрофига ёру биродарларни, ота-оналар ва уларнинг фарзандларини тўплаш демакдир. Бу — ўз ўрнида дўсту биродарларни жамлаб, ҳамжиҳатликка чорлаш демакдир. Наврўзи оламда етим ва мажруҳ болаларнинг бошини силаш, уларнинг кўнглини кўтариш ва бир зум бўлсада уларга қувонч бахшида этиш бугунги меҳр-шафқат ташкилотларининг, жумладан «Саховат» деб номланган хўжалик ҳисобидаги корхонанинг ҳам олдига қўйган мақсадларидан.

Мазкур корхонанинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. У жумҳурият болалар фонди қошида очилган «Саховат» вакиллари Наврўз байрами арафасида И. Охунбобоев номидаги кўзи ожиз болалар интернатида бўлдилар. Мазкур интернатда бугун 351 нафар ўғил-қизлар тарбияланяптилар. Уларнинг аксарияти кўзи ожиз бўлиб туғилишган. Ёруғ дунёнинг гўзалликларидан, унинг чиройидан баҳраманд бўла олмаган баъзи гўдакларнинг ота-оналари улардан воз кечганлар. Лекин бу болаларнинг гуноҳи нима? Агар мана шундай байрамларда ота-оналар фарзандларининг тенгдошлари билан Наврўзни нишонлаётганларини, берилиб қўшиқ ва рақслар ижро этаётганликларини кўришганда юраклари юмшаган бўлармиди? Интернатнинг боғча ёшидаги тарбияланувчилари даврасидаги байрам шодиёналарини кўрганингизда кўзингизга ёш қалқиганини сезмай қоласиз. Кичкинтойлар саранжомсаришта киийнтирилган. Ота-оналарнинг ўрнини эгаллаган тарбиячилар уларга меҳрибонлик билан муносабатда бўладилар. «Саховат» ташкилоти вакиллари қизларнинг қўлига қўғирчоқ, болаларнинг қўлига ўйинчоқ машиналар тутқазганларидаги қувончни ҳаяжонланмай кузата олмайсиз. Концерт номерлари тугади. Болалар эса боядан бери қувониб ўтирган ўйинчоқларини меҳмонларга олиб келиб, «Қўғирчоқларни йиғиб оласизларми?» деганларида ҳаммасининг қалби ларзага келди. Ҳа, бу болалар ўзларига кимларнингдир совға олиб келишига қўникишмаган. Уларнинг ота-оналари шундай ҳолни кўришганда нима деган бўлишарди? Ахир ҳеч бўлмаса шундай айёмда гўдакларнинг қалбига қувонч солиш, уларга ўйинчоқлар олиб келиш улар учун шунчалик қийинми?

Шу куни Наврўзга ташриф буюрган меҳмонларнинг бири шундай ақидани айтиб берди.

...Айтишларича, юраги тош, дейдаси қаттиқ бир киши донишмандининг олдига келибди. «Эй донишманд, мен ҳеч нарсага ачинмайман. Юрагим тош, кўзимга ёш келмайди. Бундай ҳолнинг давоси борми?!—дебди у. Шунда донишманд бу кишига бир етимнинг бошини силаб, унинг кўзига меҳр билан боқишни тавсия қилибди. Дейдаси қаттиқ одам унинг айтганини қилиб бир етим боланинг пешонасини силаб, бир зум унинг ўкиёч тўла кўзларига тикилган экан, ҳозиргача меҳр нималигини билмаган боланинг кўзида ёш қалқибди. Бу ҳолни кўрган юраги тош киши ҳам ўзини тўхтатолмай йиғлаб юборибди».

Бу ақидани эшитар экансиз аслида бугун Наврўз. Ғам-аламнинг ўрни эмас. Лекин меҳр-оқибатнинг, саховатнинг ўрни эканлигига имон келтирасиз.

Бинобарин Дилбар Машарипова раҳбарлик қилаётган «Саховат» ташкилоти, жумҳурият болалар фонди, Бахтиёр Халилов бошчилик қилаётган «Осиё-Банк» тижорат банки, Рустам Аҳмедов раислик қилаётган Тошкент районидаги К. Маркс колхози вакиллари бугунги байрамга болалар учун совға-саломлар келтиришди. Турли ўйинчоқлар, хоналарни безаш учун қандиллар, мусиқа асбоблари интернат тарбияланувчиларини ниҳоятда қувонтирди.

— «Саховат» — хўжалик ҳисобидаги корхона ҳисобланади, — дейди унинг ташкилотчиси Дилбар Машарипова. — Биз асосан ноширлик фаолияти билан шуғулланиб, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни тиклаш, тирик етимларни кўпайтирмаслик, ота ва оналарни инсофга чақириш, одамийлик ҳақидаги ҳикматномалар ва рисолаларни чоп этиш ниятидамиз. Чунки азал-абад донишманд ҳисобланган ўзбек халқи орасида шундай ҳоллар кўпайиб боряпти. Мана, ҳозирги Наврўзи олам ҳам бизни шунга даъват этади.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтларда меҳр-шафқат ташкилотлари кўпайиб боряпти. «Саховат» ҳам ана шундай ташкилотлардан бири бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Васида МАДИМАРОВА.





СУРАТДА: Наврўз байрамидан лавҳалар.

Д. Аҳмедов суратлари.

Ўқувчилар яйрашди

ЭРТА тонгданоқ шаҳримиздаги 100-махсус мактаб-интернатда Наврўз тантаналари бошланиб кетди. Карнай-сурнай наволари остида барча шарқона безатилган залга йиғилишди. Кечани мактаб директори Малика Муталова табрик сўзи билан очди.

Шундан сўнг болаларнинг театрлаштирилган чиқишлари бошланди. Ҳар бир синф баҳор, Наврўзга бағишланган ўйинлар, қувноқ қўшиқлар ва рақслар, аския ва интермедиялар тайёрлаб келганди.

Айниқса ўқувчилардан Л. Неъматова, Ғ. Ҳакимов, Ф. Узоқов, Ғ. Иброҳимовлар ижросидаги қўшиқлар барчага манзур бўлди. 10-синф ўқувчилари эса ёзувчи Исфандиёрнинг «Отасининг қизи» спектаклидан бир кўриниш намойиш этдилар.

Тошкент Давлат дорилфунуни қошида ташкил этилган, ёш композитор Султонали Раҳматов раҳбарлигидаги «Ҳушрўй» ансамбли аъзолари ҳамда Глиэр номли жумҳурият музика интернатидан меҳмон бўлиб келган 7-синф ўқувчиси Фарҳод Мўйдинов йиғилганларни хушнуд этдилар.

Албатта, айёмни сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Баҳор таомини онахонлар маромига етказиб пиширганлари учун жуда лаззатли эди...

Д. ЗОКИРОВА.

Йўлдош МУҚИМОВ

МИНГ МАРЖОН

Наврўз ҳақида ўйлар

НАВРЎЗДА йигитлар ва қизлар сафи бир-бирига юзма-юз туриб, айтишувга киришиб кетишарди:

— Ё оқ терак, ё кўк терак,
Биздан сизга кимлар керак?
Бўлса агар биров керак
Бора қолсин, очинг йўлак.
Шошган қизлар эрга ёлчимас,
Йигит шошса қарчиғай эмас.
Чанг-тупроқдан тилло ганж бўлмас,

Номард элга ҳеч таянч бўлмас.
Бугинани-я, шугинани-я,
Кучиб олайлик, эл, дунёни-я.
Иддизин қирқиб, — шумғиёни-я,
Нурга пуркайлик зим-зиёни-я.
Бугинани-я, шугинани-я;
Угинани-я, бугинани-я?

Кейинчалик билиб, тушуниб олдим. Қиш ўтиб, кўклам кира бошлагач, ариқларга гармоб-иссиқ сув келар экан. Келмайверса, мироблар қор ариётгани ёки эримаётганини билиб келиш учун тоғларга, дарё бошига борар эканлар. Хушхабар келтирганларга сарпо берилар экан. Баъзи мироблар эса дом-дараксиз бўлиб кетар эканлар.

Яна бир нарсани улгайгач-тушундим: Наврўз шунчалик бир намойиш, сайил, байрамгина эмас, хонадонларнинг ва улар қўлидаги иш ҳайвонлари ва асбоб-ускуналарнинг баҳорги ишларга тайёрлиги ёки яроқли, яроқсизлигини текшириш, кўрикдан ўтказиш ҳам экан.

Хотирамда: шундай сайлу байрам кунларидан бирида қаттиқ тўполон турди, телба шамол дарахтларни бир-бирига урди, кўзлар қум ила тўлди.

— Айём кампир келди, — дедилар қўнғиллари ғаш-ланиб Нурмомо, — тезда молларни оғилхонага, ҳовлида очиқ-сочиқ ётган нарсаларни уйга киритинглар.

Аямажуз ҳамиша аксига, тескарисига юради, кўкламга совуқ нафас уради, дарахтлар мўғка отар, барг ёяр пайтини пойлайди. Гор уйидан чиқиб, одамларга ҳамла қилади. Қаерга урар экан Аямажуз бу гал ўзини, тандиргами ёки сувгами? Тандирга урса, яхшику-я, тўс-тўполон қилиб тезда ўтиб кетади. Дарёга урмасин ўзини. Ўша елдирим елар, изғирин изғир, бўрону туфон қўзғолур...

Билиб қўйинглар, чироғларим. Аямажуз қўзғолиб қолгудай бўлса, эл аро бир ҳафта мобайнида кезиб юради. Хурмуз куни қўзғолиб, Хурдод куни тинади. Шул сабаб «Айём ожиз — кампир кунлари» деб атамишлар ўша хатарли ҳафтани...

Нурмомо ҳикоя қилишда давом этар эканлар, юрак-бағирлари қайнаб, тўлқинланиб, борган сайин авжга миниб, қўшиқ тўқирдилар, сўзлар кўзмунчоқ сингари маржон-маржон бўлиб, тизилиб борарди:

Айём ожиз олти кун,
Қаҳри келса қаттиқ кун.
Тандирга урса ўзини,
Ёнмас мисли ҳўл ўтун,
Айём ожиз олти кун,
Яхши келса, йил тўкун.
Ёмон келса, эл юпун,
«Мен йиғлайин, сен ўкун!»

Сўнгра, нафасларини ростлаб олиб, Нурмомо Хурмуз ва Хурдод тўғрисида тўқиган қўшиқларини куйлашга ўтардилар:

Баҳор қизи Хурмузой,
Лаби қизил қирмизой.
Тенгдир кеча-кундуз-ой,
Тенгсиз жамол кўргуз-ой!

Бу гал Аямажуз ўзини сувга урди. Момогулдурак гулдираб, қаттиқ шамол турди. Сўнгра сел қуйди. Бир кун қуйди, икки кун қуйди, дўлга айланди. Тухумдай-тухумдай муз тошлар том ўйди. Кейин бир оз тўхтагандай бўлди-ю, тили қиличдай кескир, ғоромбузарр дилгир, нафаси муз, нияти ёвуз аёз бошланди.

Аямажуз эндигина амалга ўтган ўрик ва шафтоли, бодом ва гилос навдаларига муз-муз нафас урди. Гул ва мугъаларни пуфлаб учирди, чанғал солиб, барглариии юлди, улар қоп-қорайиб тўкилди, сўлди. Гулу мугъа ва ям-яшил барглар ўрнига қирриқ қиров ила совуқ муз кўнди. Яйловларда яшнаган майса, дириллаб турган, дуркун-дуркун бугдой ва арпа қалин муз тагида қолди, поймол бўлди, топталди.

«Бундай қаҳрли аёзни, телба шамолу бўронни, тўс-тўполонни тўхтатмоқ учун қадимгилар одатига кўра Айём ожузни ушлаб, банди қилмоқ ва тобутга солиб, очиқ гўрга кўммоқ керак», — дедилар Нурмомо.

Нурмомо эски-туски кийим-кечак топиб келишни буюрдилар. Кейин онамиз ёрдамида ана шу латта-путталардан «қўғирчоқ кампир» ясадилар. Сўнгра, кўҳна оқ матодан тобут ҳам тайёрладилар. Шу орада биз болалар уйма-уй юриб, қора ош учун масаллиқ йиғдик. Ҳар ким баҳоли-қудрат бирор-бир нарса — кулча-нон, зоғора, тухум, ёғ бир парча гўшт, ёғ, майиз ва ўрик улашди.

Йиғилган бу масаллиқларни Нурмомо маслаҳатига кўра Айёми ожуз тобути чиқадиган уй эгасига, қишлоқ чеккасида ёлғиз ўзи яшовчи тул («якказан») қолган кампирга элтиб бердик. Айём кампир тобутини ҳам ўша ерга олиб бордик. Мотам маросими ўша ҳовлида ўтди. Чопон ва дўппи кийиб, белимизга белбоғ боғлаб, қўлимизга асо олдик. Чинакамига йиғлаб, мотам тутдик.

Кейин, фотиҳа ўқилиб, ҳамма расм-русумот бажо келтирилгач, Айём ожуз «жасади» солинган тобутни кўтариб, қишлоқдан чиқиб кетдик.

Аямажузни узоққа мозорга олиб бормадик. Қадимийлар одатига кўра, қишлоқ яқинидаги бузилган, эски молхонадаги бир охурчага «кўмиб» қайтдик.

Қора ош пишаётган ҳовлида йиғлиб, мотам маросими ўтказдик.

Ҳар йили ана шу кезларда қиш чиқаётиб, баҳор кириб келаётган маҳалда, Наврўз сайли бошланганда Нурмомо Айём ожуз ривоятини такрор-такрор айтардилар.

(Охири. Боши газетанинг 64, 66-сонларида).



⊙ РАҚҚОСА ХИРОМ АЙЛАР, КЎНГИЛЛАРНИ РОМ ЭТИБ...

Р. Шарипов сурат лавҳаси.

ХОТИНИНИНГ ГАПИГА КИРГАН ЭР

(Ҳажвия)

Пўлатжон ишдан кайфияти хуш қайтди. Маош билан уч ойлик мукофот пулини отнинг калласидек қилиб беришди.

— Яхши келдингизми?... Бугун сал ушланиб қолдингиз, тинчликми?

Хотини меҳрибонлик қилгани сари Пўлатжонни ғулғула босарди: «Бу хотин нимадир қилмоқчи ёки қилиб бўлган».

Овқатланиб бўлгач, хотинининг кайфиятини янаям кўтармоқчи бўлиб гап бошлади:

— Бугун маошга қўшиб мукофот пули ҳам беришди. Яна... — Пўлатжон ҳаяжонланаётганини билдирмаслик учун бепарвогина қўл силтаб қўйди. — Мени бўлим бошлиғи қилиб кўтаришмоқчи шекилли, миш-мишлар тарқаб қолди.

— Вой, қандай яхши, айтганингиз келсин. Миш-мишлар рост бўлсин. Адаси, энди бозор куни болаларни бориб кўриб келайлик. Яна, янги ишга ўралашиб қолсангиз ҳеч қаёққа чиқолмай қоламиз.

Пўлатжон хотинининг кўнглини тинчитгач, миясига бир фикр келиб қолди.

—Хотин, агар шанба куни эрталаб жўнасак, бозор куни кечқурун қайтсак ҳам бўлаверади. Палатка олволамиз. Боғонада бир яйраб келамиз.

— Эртага иложи йўқ, адаси, — деди хотин сал бўшашгандай. — Эртага «гап» бериш менинг навбатим.

— Хоним, эсингиз жойидами? Ўтган ойда ҳам «гап» берувдингиз.

Хотин эрининг қандай ҳолатда эканлигини дарров англаб олиб, овозини ҳийла юмшатиб эркаланди:

— Ўтган ой ишхонам, ундан олдингиси маҳаллам, эртага эса қизлик дугоналарим.

Эр-хотин ўзлари билан бўлиб, телевизорда берилаётган ажойиб фильмни ҳам кўрмай узоқ тортишишди. Охири, Пўлатжон эрталаб бозор-ўчар қилишни бўйнига олиб, таслим бўлди.

Минг иши бўлишидан қатъи назар, шанба-бозор кунлари мириқиб ухламаса ётаверадиган Пўлатжон кўзи юмилиб, уйқуга қандай кетганини ҳам билмади. Ҳамма бозор харажати тушида бўлди. «Тўрхалтада олиб келган нарсага ким ҳам тўярди, бу ёқда «гап» бўлса», дея бозорга отланди...

Эшикдан чиқиши билан, кўзи оққуш мисол сузиб юрган уч ғилдиракли машиналарга тушди. Ҳаммаёқ шундай машиналарга тўла. Бирорта ўзимизники йўқ. Пўлатжон бироита такси келиб қолармикин, деб, бироз кутди. Дарак бўлмагач, ҳалиги машиналардан бирига қўл кўтарди.

— Оғайни, бозоргача ола кетинг.

Ҳайдовчи боши билан тасдиқ ишорасини қилгач, «лип» этиб унинг ёнига ўтириб олди-ю, ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолди. Ҳайдовчининг бошида узунлиги бир қарич келадиган иккита антенна қимирлаб турарди. У Пўлатжон ўтириши билан олдидаги аллақандай тугмачани босганди, кафтдаккина жойда 1 сўм 70 тийин деган ёзув пайдо бўлди.

— Сизга кўрсатадиган хизматимиз 1 сўм 70 тийин бўларкан. Марҳамат тўланг. Сизни эсон-омон ўз вақтида олиб бориб қўйиш кафиллигини ўз бўйнимга оламан.

Пўлатжон хизматнинг бундай туридан ҳайрон бўлиб, чўнтагидан 3 сўм чиқарди. Ҳайдовчи дарров қайтимини бериб йўлга тушди. Пўлатжон, қайтими керак эмас дегандай қилувди, бошидаги антенналари ғалати силкина бошлади:

— Пулингизни олинг, ўртоқ. Ҳозир антенналар бир-бирига чатишиб кетса, авария бўламиз.

Пўлатжон шоша-пиша пулини чўнтагига тиқди.

—Биз тўғри ишлашимиз керак. Шундай тарбияланганмиз. Агар бировнинг ҳақига хиёнат қилсак, антеннамиз бир-бирига урилиб, жиринглаб кетади. Шунда ҳам бепарво бўлсак, ёниб кетамиз.

Бозорга келгач Пўлатжоннинг ҳайрати янаям ошди. Жамики пештахталарни антенна бошлилар босиб кетишибди.

Пўлатхон қопини қўлтиғидан олиб айлана бошлади.

— Ака, анор қанчадан бўлди?

— Бир яримдан.

— Олма қанчадан?

—1 сўм 20 тийиндан.

Пўлатжон кўзларига ишонмасдан, олмаларни ушлаб кўрди. Ҳақиқий, пишиб етилган олмалар. Аста-секин бошқа нарсаларни ҳам суриштира бошлади.

Пўлатжон ҳаш-паш дегунча қопини тўлдирди. Ҳаттоки килоси 3 сўмлик хандон писта нинг ўзидан 10 килоча олди. Ўзини ажабтовур бозор бўлди-да. Шунча нарсани кўриб ҳатто хотинининг эсхонаси чиқиб кетди. Хандон пистага қараб:

— Вой адаси, нима қилиб қўйдингиз. Маош, мукофот, ҳаммасини соб қилган чиқарсиз? Вой, «гап» қилмай ман ўлай, — деганича бошини ушлади.

Унинг ваҳимасидан Пўлатжоннинг энсаси қотди.

— Ҳов хотин, кўп ваҳима қилаверма. Бир тийинам ортиқча сарфлаганим йўқ. Ҳаммаси жойида. Бозорни аллақандай антенна бошлилар бир ҳафтага ижарага олишибди. Шундай арзонгарчилик-ки, ҳайрон қоласан. Деярли сув текин. Ботиринг билан Хуршидингни ёши етган бўлганида, арзонгарчиликдан фойдаланиб иккаласини ҳам уйлантириб қўярдим.

Пўлатжоннинг гапи наша қилиб, хотини қийқириб кулди. Пўлатжон чўчиб тушди. Кўзини очиб ёнида пиқиллаб кулаётган хотинига қаради.

— Ҳазилингиз қурсин, шунақаям совуқ бўладими. Ҳалитдан бери қопимқопим деб кўтармоқчи бўласиз. Сочимдан тортиб антенна дейсиз. Ундан кўра тезроқ туринг ҳали бозор қилишингиз керак...

...Пўлатжон нонушта қилгач, тўрхалтани кўтариб кўчага чиқди. Рўпарадан келаётган олдига «кооператив» деб ёзилган машинага қўл кўтарди.

— Оғайни, бозоргача ола кетинг.

Бозорга келгач 3 сўм узатса йигит хайр-маъзурни насия қилиб жўнамоқчи бўлувди, Пўлатжоннинг зардаси қайнади.

— Оғайни, бир ярим сўмлик жойга-я, сўнг узиб олмоқчидай машина биқинидан чиқиб турган узун антеннага қўл чўзди.

— Яна антеннангиз жиринглаб кетмасин.

Шофёр антеннани суғуриб олишаётгандай шоша-пиша бир сўм узатди. Оғзи тўла тилла тишлари жиринглаб кетгандек бўлди.

Бозорга киргач, тўғри хандон писта сотиладиган жойга борди.

— Ака, килоси қанчадан бўляпти?

Сотувчи «18 сўм» деб ёзиб қўйилган тахтачани нақ Пўлатжоннинг бурни олдида силкитди.

— Ёзиб қўйибмиз-ку, окоси.

Пўлатжон аста орқасига тисарилди.

— Анор қанчадан?

— 7 сўм.

— Ўрик қоқичи?

— 10 сўмдан

— Олма, нок...

Пўлатжон тишини-тишига қўйиб, ҳархил мева-чевалардан бир кило-ярим килодан харид қиларкан, сотувчиларни тинмай дуо қиларди:

— Раҳмат, раҳмат. Илоҳим бошларингдан антенна ўсиб чиқсин.

Пўлатжон бозордан чиққач, ён-веридан зипиллаб ўтиб турган машиналарга парво ҳам қилмай автобус бекати томон кетди. Ҳисоблаб қараса, хотинининг «гапи», ойликка сув қуйиб, мукофот пулининг ҳам андак жойини ўпириб кетибди.

Юсуф АБДУЛЛАЕВ.

Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича
ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларини созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ишдан ажралган ҳолда том плиталарини ёпиш ва темир-бетон конструкцияларини ўрнатиш бўйича слесарь-монтажчилар тайёрлаш курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ЎЗ ХИЗМАТ БУРЧИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Дарслар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — бир ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области, Оржоникидзе райони, Яланғоч посёлкаси (метронинг — «М. Горький» станцияси; 151-маршрутли таксининг «Мичурин номли пионер лагери» бекати).

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи,. электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат, (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси, (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Тошкент халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. Қадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

Ассалому алайкум, севги дардига мубтало бўлган азиз «Фарҳод ва Ширинлар», «Лайли ва Мажнунлар», «Тоҳир ва Зуҳролар»

«Ўсарфильм» сизларни тўрт фаслдан буён интиқ бўлиб кутмоқда... Сизлардан эса ҳамон дарак йўқ... Қайдасиз?! «Тўй»имизга Сиз, келин-куёвдан бошқа ҳамма йиғилди... Ахир келин-куёвсиз «Тўй» тўй бўлармиди?! Биз Сиз, келин-куёвни жуда соғинганимиздан, ичикиб бетоб бўлиб қолаяпмиз. Бизларни ҳадеб қийнайвермасдан тезроқ келинглар энди!!!

Сизларни «Усарфильм»да суратга олинаётган «Тўй» номли тўлиқ ҳажмли бадиий фильмнинг КИНОСИНОВ РЕПЕТИЦИЯЛАРИ ВА КИНОСИНОВЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

23, 24 март кунлари ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИЛАР УЧУН, 25, 26 март кунлари эса УЗОҚ ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР УЧУН КИНОСИНОВ РЕПЕТИЦИЯЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

МАРТ ОЙИНИНГ 27, 28, 29, 30 кунлари киносинов репетицияларидан муваффақиятли ўтган кишиларни КИНОГА ОЛИБ, КИНОСИНОВЛАРДАН ЎТКАЗАМИЗ.

Киносиновлардан муваффақиятли ўтган истеъдодли кишиларни «Ўсарфильм» Президиуми ролларга тасдиқлайди.

Суратга олаётган киномизнинг мавзуси азалий ва абадий мавзу — муҳаббатдир... Бу кинофильм Сизнинг ва бизнинг севгимиз ва ҳаётимиз ҳақида... Ишқилиб севишганларнинг ҳаммасини тўйга етказсин! Келинглар, «Тўй» номли киномизни бирга яратайлик!

Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи кинорежиссёр — «Ўсарфильм» муаллифи САИД ЎСАР БЕК.

Бастакор — «Ўсарфильм»нинг мусиқа раҳбари — ДАВРОН ҒОИПОВ.

Саҳналаштирувчи кинооператор — ҲАМИДУЛЛА ҲАСАНОВ.

Саҳналаштирувчи кинорассом — ҚАҲРАМОН НУРИДДИНОВ.

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Нукилоб хиёбони, (метронинг «Октябрь инқилоби» бекати). Ленинград кўчаси, 48-уй (Техника уйи), телефон 32-01-29 (нарбатчилик кечаю-кундуз).

БОҒБОНЛАР ВА ПОЛИЗЧИЛАРГА ТАВСИЯ ЭТАДИ

«Зенит-7» фирмали техника-савдо маркази (Чехов кўчаси, 10-уй, метронинг «Ойбек» бекати).



Қўл культиватори — ўсимлик қатор ораларидаги тупроқни юмшатишда ишлатилади. Тиканакли ғилдиракларининг айланиш бурчаги ҳисобига бу культиватор майда бегона ўтларнинг илдизини юлиб, ерни ағдаради. **Баҳоси — 3 сўм.**

Боғ пуркагичи — томорқа участкаларини, полизлар ва боғларни суғориш учун ишлатилади. Сувни пуркаш доирасининг диаметри—12 метргача боради.

Баҳоси — 5 сўм.

ТЎҚИШ ВА ТИКИШ ИШҚИБОЗЛАРИГА

Қатор санагич — «Северянка»да тўқийдиганлар учун мўлжалланган. Бу мосламани тўқув машинасига ўрнатиб қўйгач, ҳадеб қатор санайвериш машаққатидан халос бўласиз. Бу юмушни қатор санагич мослама бемалол адо этади. **Унинг баҳоси — 10 сўм.**

Зиг-заг — Подольск механика заводининг машиналарида, шунингдек баъзи чет эл фирмаларининг машиналарида иш тикадиганлар учун ниҳоятда қўл келади. У ип газлама, зиғир толаси, ипак матолар четига синиқ чизиқ кўринишидаги чок билан ишлов беради, тўр, ҳошияларни матога қўшиб тикади.

Баҳоси — 3 сўм.

УЙ ҚАНДОЛАТПАЗЛАРИГА

қумоқ-қумоқ хамирдан печенье пиширишқолиплари. Болали хонадонлар учун бундай қолиплар жуда ҳам зарур. Ахир қўзиқорин ёки ёнғоқ шаклидаги печеньелар болалар учун янада тотли туюлади-да! **Баҳоси — 6 сўм.**

Бешта учлиги бўлган қандолатпазлик шприци. Унинг ёрдамида Сиз пиширган тортингизни рангдор атиргуллар билан безатишингиз, ранглар воситасида туғилган кун ёки байрам билан табриклашингиз мумкин.

Баҳоси — 2 сўм 50 тийин.



Иш соатлари соат 10 дан 19 гача, тушлик танаффус — соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба, телефон: 54-04-92.

«Зенит-7» фирмали техника-савдо маркази.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Узбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/III да **Табассум оқшоми**, 24/III да **Муҳаббат навоси**, 25/III да **Аршин мол-олон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/III да **Келинлар қўзголони** (19.00), 25/III да **Келинлар қўзголони.**

КИНО

23 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САҲРО СИРЛАРИ» (катта зал, 18.30, 20.45), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (кичик зал, 17, 19.30, ўзбек тилида).

Чайна — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18.30, 21.00)

Восток — «ОҚСУЯК» (17.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги—«ВАҚТ ЎТИШИ БИЛАН» (18.30, 21.00).

Узбекистон ССР 25 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18.30, 21.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 21.00).

«Узэооветснаб» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бош директор ўринбосари М. С. Раҳматуллаевга онаси **Мамлакат РАҲМАТУЛЛАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03173

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.